

**ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ ЙОРТЛАРИДАГИ МАВЖУД
ИМКОНИЯТЛАРИ**

Пардаев Мамаюнус Каршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Бабаназарова Севара Абдиназаровна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD

Аннотация: мақолада таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишнинг олий ўқув юртларидағи мавжуд имкониятларига эътибор қаратилган. Бугунги кунда ОТМдаги таълим самарадорлиги ва сифатининг оширилишига қаратилган бир қанча имкониятлар мавжуд. Булардан тўлиқ фойдаланишнинг ўнбир банддан иборат тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, таълим сифати, таълим самарадорлиги, олий таълим, олий ўқув юртлари, малака даражаси, профессор-ўқитувчилар.

**ДОСТУПНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И
ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ В СТРАНАХ
ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Пардаев Мамаюнус Каршибаевич

Профессор Самаркандского института экономики и сервиса, д.э.н.

Бабаназарова Севара Абдиназаровна

Доцент Самаркандского института экономики и сервиса, PhD

Аннотация: в статье рассматриваются существующие возможности повышения качества и эффективности образовательных услуг в высших учебных заведениях. Сегодня существует несколько возможностей, направленных на повышение качества и эффективности образования в вузах. Полное их использование основано на целесообразности рекомендаций из одиннадцати пунктов.

Ключевые слова: образование, образовательные услуги, качество образования, эффективность образования, высшее образование, высшие учебные заведения, квалификационный уровень, профессорско-преподавательский состав.

AVAILABLE OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE QUALITY AND
EFFICIENCY OF EDUCATIONAL SERVICES IN HIGHER
EDUCATION COUNTRIES

Pardaev Mamaynus Karshibaevich

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of
Economic Sciences.

Babanazarova Sevara Abdinazarovna

Associate Professor at the Samarkand Institute of Economics and Service, PhD.

Abstract: the article discusses existing opportunities to improve the quality and efficiency of educational services in higher educational institutions. Today, there are several opportunities aimed at improving the quality and efficiency of education in universities. Their full use is based on the appropriateness of the eleven-point recommendations.

Key words: education, educational services, quality of education, effectiveness of education, higher education, higher educational institutions, qualification level, teaching staff.

Кириш. Мавзунинг долзарбилиги. Жамиятнинг иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришда таълим-тарбия ҳамда илм-фанинг ўрни бекиёсдир. Агар қайси мамлакатнинг иқтисодиёти, ижтимоий аҳволи таназзулга учраётган бўлса, шу давлатда таълимга эътибор камлиги кузатилмоқда. Мамлакатимизда ушбу ҳолатни тўғри англаган ҳолда бир қанча аҳамиятли чоратадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси назоратга олиниб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармони шу фикримизнинг далилидир.

Ушбу фармонда “юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимларни таълим жараёнига жалб қилишнинг самарали механизмларини яратиш, муайян кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ривожлантириш”, “олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ошишидаги иштирокини ва мамлакат ижобий халқаро имиджини шакллантиришдаги ролини ошириш;”, “таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имижини шакллантириш стратегияси бўйича дастур қабул қилиш” каби масалаларга алоҳида ургу берилган. Кўриниб турибдики, бугунги кунда ушбу ҳужжатда ўта зарур бўлган вазифалар белгиланган. Буларнинг амалиётда бажарилиши ушбу мавзунинг долзарб муаммонинг ечимиға бағишлиланганигидан далолат беради.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишига Инсон капиталининг таъсири катта. Инсон капитали таълим, илм-фан, соғликни сақлаш ва бошқарув соҳаларида ортиб борса, мамлакатда инновациялар, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг ошишига олиб келади. Ҳозирги глобаллашган шароитда иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг барчасида юқори технологияли билимларни талаб қилувчи кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Юқори технологияли тармоқлар соҳсига, самолётлар, космик кемалар, фармацеввка, майший ва компьютер техникаси, электрон компонентлар яратиш ва ишлаб чиқариш кабиларни киритиш мумкин.

Хуллас, бугунги кунда таълим самарадорлиги ва сифатини ошириш ҳаётий заруриятга айланди. Ушбу масалаларни амалга ошириш учун бир қанча ишлар ҳам амалга оширилди:

Биринчидан, худуддаги олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик берилди. Шу йўл билан ОТМнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконияти яратилоди. Бу уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашга сезиларли даражада хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишга, уларнинг замонавий усусларда таълим бериш тизимини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Учинчидан, талabalарнинг мутахассисликка қизиқишлирини ошириш учун ҳар бир йўналишлар бўйича мутахассисларни тайёрлашда назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган дуал таълим тизими жорий қилинмоқда.

Тўртинчидан, энг муҳим аҳамиятли жиҳатларидан бири, олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш орқали бу вазифаларни ҳал қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. ОТМ таркибида давлат олий таълим муассасалари, хусусий таълим муассасалари, қўшма таълим, давлат шерикчилиги асосида ташкил қилинган таълим кабилар пайдо бўлди ва булар ўртасида рақобат муҳити ҳам шаклланди.

Буларнинг самараси маълум даражада сезилмоқда. Ҳозирги кунда 2024 йил учун Осиёнинг топ – 1000 талик университетига (QS) Ўзбекистоннинг 14 олий таълим муассасаси киритилди¹. Таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширишда бир қанча йўналишлар ҳам инобатга олинмоқда. Буларга:

Биринчидан, ОТМда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар томонидан яратилаётган инновацион гоялар, ўқув адабиётлари, ихтиrolар ва уларнинг мамлакат ва жаҳон миқёсидаги аҳамияти ҳамда жамият учун ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг даражаси инобатга олинади.

¹ <https://www.topuniversities.com/asia-university-rankings?countries=uz>

Иккинчидан, олий таълим муассасасида таълим олаётган талабаларнинг келажакда ўз иш ўринларини топиши ва фаолият юритаётган ташкилотига келтирадиган самарасига ҳам эътибор қаратилади.

Учинчидан, олий таълим муассасасининг қамров даражасига, таълим муассасасининг ахборот ресурс марказидаги адабиётлар фондига ҳам рақобатнинг бир йўналиши сифатида қаралади.

Тўртинчидан, нуфузли хорижий олий таълим муассасалар билан академик мобиллик даражаси каби кўрсаткичлар ҳам киритиган бўлиб, бу ҳам таълим тизимининг миқдорий ўсишига катта таъсир қиласди.

Ҳозирги вақтда (2023 йил октябр ҳолатига) мамлакатимизда 210 та олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда². Улардан 115 таси давлат таълим муассасаси, (шулардан 25 таси филиаллар), 29 хорижий ва 66 та нодавлат таълим муассасаси бўлиб, уларда 1 млндан зиёд талаба таҳсил олмоқда. ОТМ тизимида 42 минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Мавжуд олий таълим муассасаларида 489 та бакалавр ва 559 та магистр таълим йўналишлари бўйича талabalар таҳсил олмоқда. Ахборот ресурс марказларида 16 млндан зиёд босма ва электрон шаклда ўқув адабиётлар фонди мавжуд. Олий таълимдан кейинги таълимдаги докторант ва тадқиқотчилардан 2023 йилнинг 9 ойида 327 нафар фан доктори (DSc), 2110 нафар турли фанлар йўналишлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олган³. Мамлакатимиз ОТМда илмий салоҳият даражаси шу 9 ой давомида 5,8 %га ($327+2110*100/42000$) ошганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолат албатта ижобий натижаларга олиб келади.

Бугунги кунда ОТМдаги барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозим. Шундагина таълим самарадорлиги ва сифатининг оширилишига эришиш мумкин. Бунинг учун бир қанча тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ҳусусан:

Биринчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилаётган илмий асарлар, янгиликлар, техникавий ихтиrolар, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳаллий ва хорижий селекция навлари мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётини яхшилашга хизмат қиласди. Шу туфайли ушбу ишларни рағбатлантириш тизимини тўғри йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки бир гурӯҳ профессор-ўқитувчилар грант асосида тегишли маблағлар билан таъминланган ҳолда бундай мувоффақиятларга эришган бўлса, иккинчи томон ўз ихтиёри билан яратувчилик билан шуғулланмоқда. Булар муносиб рағбатлантирилмасдан қолиб кетмоқда. Шу туфайли рағбатлантиришни ишнинг натижаси бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

² <https://data.egov.uz/uzbKr/data/6102947d2a2e256d868e8365>

³ <https://oak.uz/pages/28>

Иккинчидан, ижодкорлик ишларига талаба ёшларни ҳам жалб қилиш, уларга илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун шароитлар яратиш (лабораториялар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш базалари) ва натижаларни моддий рағбатлантириш ҳам ҳозирги даврдаги зарур чоралардан биридир. Бу тадбирлар талабаларнинг ўз касбини севадиган, билимли ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашга асос бўлади, деган фикрдамиз.

Учинчидан, илмий тадқиқот ишларининг натижасида эришилган илмий ишланмаларнинг бир қисми “қоғозда қолиб кетмоқда”. Ёш тадқиқотчилар ва инноваторларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга, янги-янги ғоялар яратишга бўлган қизиқиши маълум мезонлар асосида рағбатлантирилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Бу ушбу соҳага бўлган қизиқиши ва маъсулиятини оширади. Ўз навбатида талабаларни илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга рағбат уйғотади.

Тўртинчидан, илмий тадқиқот ишларини, янги ғояларни ва ихтиrolарни молиялаштиришда давлат билан бирга хусусий шерикчилик ва нодавлат ташкилотларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Илмий ишланмалар кимнинг манфаатига тўғри келса, ўша йўналишда, ўша субъектлар томонидан рағбатлантириш механизмининг ишлаб чиқилиши ва унинг қўлланилишини йўлга қўйиш лозим.

Бешинчидан, илмий ва инновацион тавсияларни рағбатлантиришда олий таълим муассасаси билан биргаликда, тадқиқотчи ва молиялаштирувчи ташкилотлар биргаликда шартнома тузиб, шерикчилик асосида фаолият олиб бориши ҳам мақсадга мувофиқ. Барча хайрли ишлар бугунги бозор муносабатлари ривожланган пайтда тегишли тартибда молиялаштирилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозир ҳар бир ҳаракат маълум миқдорда рағбатлантирилсагина шу ишга иштиёқ кучли бўлади. Акс ҳолда ёшларнинг илмга бўлган иштиёқини сўндириши мумкин.

Олтинчидан, олий таълим муассасаси тадқиқотчига илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун ташкилий жиҳатдан ҳам тегишли шароит яратиб бериши, яъни тадқиқот ишини амалга оширишда илмий-назарий, ўкув адабиётларини, муаллифлик хуқуқини расмийлаштириш каби ишларни молиялаштирса, тадқиқотчи ўз ғоя, ихтиро ҳамда илмий янгиликларни яратиш билан машғул бўлади. Мазкур ҳолда турли илмий мақолалар, тажрибалар ўтказиш, диссертация, қўлланмалар ёзиш ишлари ҳам осон кечади. Бу тадқиқотчининг иш самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Еттинчидан, молиялаштирувчи ташкилот қилинган инновацияларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилиш, уни сотиш билан ҳам ўзи шуғулланса бундан олий таълим муассасаси ҳам, тадқиқотчи ва молиялаштирувчи ташкилот ҳам бир хил манфаатдор бўлади. Шуни тўғри англаш лозимки, илмий-тадқиқот

ишлирига қилинган харажатлар тез орада самара беравермйди. Бунинг самарадорлиги маълум вақтдан кейингина содир бўлади. Буни албатта инобатга олиб ҳаракат қилишни тақозо қиласди.

Саккизинчидан, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида хорижий тажрибалардан ҳам фойдаланиш, уларнинг ютуқларини инобатга олиб, уларни ҳам ўзимизда жорий қилишга эришишимиз лозим. Масалан, XX асрнинг 40-50 йилларида асос солинган АҚШнинг Калифорния штатидаги “Кремний водийси (*Silicon Valley*)” айнан шундай Стартап лойиҳаларни молиялаштириш маркази сифатида ташкил қилинган. Ушбу марказ жаҳоннинг энг етакчи олий таълим муассасалари ва инноваторлар билан ҳамкорликда ишлайди. Яъни ҳақиқий етакчи инновацион кластер ҳисобланади. Кейинчалик бу тажриба Сингапур, Австралия, Бразилия, Ҳиндистон, Малайзия, Европа, Россия, Хитой каби давлатларда ҳам қўлланилиб, худди шундай технопарклар ўз фаолиятини бошлади. Натижада ушбу давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти айнан шу инновацион ишланмалар эвазига жадал ва барқарор ривожланиш йўлига кириб олди. Кўриниб турибдики, барчаси ривожланган мамлакатлар асосан таълимнинг кучига таянган ҳолда ўзларининг барқарорлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Тўққизинчидан, таълим самардорлиги ва сифатини оширишда олий таълим муассасаларининг тегишли ўқув адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, дунёдаги энг нуфузли олий таълим муассасалари кутубхоналари ҳақида маълумот берадиган бўлсак, Гарвард университети кутубхонасида 18,9 млн жилд, Оксфорд кутубхонасида 12 млн жилд ҳамда Кембердж университетида 7 млндан ортиқ китоблар мавжуд⁴. Рейтингги баланд бўлган ОТМлар энг ноёб бўлган нодир асарлар, энг янги чиқаётган ўқув адабиётларини ўз кутубхоналарига олиб келишга ва профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг улардан баҳраманд бўлишларига ҳаракат қиласди. Бу ҳам рақобатбардошликни оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўнинчидан, мамлакатимиз кутубхоналарига ҳам барча давлатлардан энг сўнгги инновацион ғоялар билан суғорилган ноёб китобларни олиб келиб, уларни таржима қилиб, ўқувчиларга тез ва соз фойдаланиш имкониятларини яратиш лозим. Шу ўринда муҳим жиҳат, болаларимизни китоб ўқишига, ҳақиқий илм китобда ифода этилганлигига ишонч уйғотиб, уларни шу йўналишда ҳам чинакам тарбия олиб бориш лозим

Ўнбиринчидан, таълим тизимини тарбия билан уйғунлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бунга олий таълим тизимида жуда катта эҳтиёж мавжуд. Кўп талабалар диплом учун ўқишиларини яширмаяпди. Билим олиш келажакда ишлаш ёки бирорта инновацион нарса яратиш учун эмас, фақат диплом олиш

⁴ <https://www.mgpu.ru/wp-content/uploads/2020/06/Biblioteki-universitetov-mira.-Prezentatsiya-Kulij-O.N.-1.pdf>

учун бир имкон қилиб баҳо олса бўлди. Бу ҳаётнинг моҳиятини, таълимнинг аҳамиятини тушунмаганлик сабабидандир. Шунинг учун таълим билан тарбияни қўшиб ўтиш, кўпроқ тарбияга аҳамият бериш лозим. Аслида тарбияни мактабгача таълимдан бошлаш керак, бироқ олий таълим босқичида ҳам ёшлар тарбияга жуда муҳтоҷ. Шу туфайли ўқитиш соатларига қанчадир тарбия фанини ҳам киритиш объектив заруриятдир.

Хуносалар: Тадқиқотларимиз кўрсатдики, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун мамлакатимизда ҳали катта имкониятлар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анчагина. Ушбу йўналиш бўйича тавсиялар ишимизда 11 та бандда ўз ифодасини топган. Агар бизнинг ушбу тавсияларимиз амалга ошириладиган бўлса, мамлакатимизда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида қўзда тутилган бир қанча вазифаларнинг бажарилиш имконияти туғилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармони.
2. <https://www.topuniversities.com/asia-university-rankings?countries=uz>.
3. <https://data.egov.uz/uzbKr/data/6102947d2a2e256d868e8365>.
4. <https://oak.uz/pages/28>.
5. <https://www.mgpu.ru/wp-content/uploads/2020/06/Biblioteki-universitetov-mira.-Prezentatsiya-Kulij-O.N.-1.pdf>.